

ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

Мейлиева Розия Полвон қизи

Уралова Мехрубон Сардорбековна

Юлдошев Асадбек Нуриддин ўғли

Османова Маржонабегим Баходир қизи

Исмоилов Оғабек Ғайбулла ўғли

Қуролов Афзал Шерзод ўғли

Самарқанд Давлат Тиббиёт Университети талабалари.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15190756>

Аннотация. Ушбу мақола корхоналарга замонавий ахборот коммуникация технологияларини жорий қилишнинг мавжуд функция ва тамойилларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган. Мамлакатимиз корхоналарида ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: ахборот, технология, функция, тамойил, ахборот технологиялари, коммуникация, корхона, ривожлантириш, жорий қилиш, давлат, бошқариш.

POSSIBILITIES OF INTRODUCING MODERN INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES IN UZBEKISTAN

Abstract. This article is devoted to the issues of improving the existing functions and principles of introducing modern information and communication technologies in enterprises. Practical recommendations and suggestions on improving the efficiency of information communication technologies in our country's corporations and increasing the efficiency of their use have been developed.

Key words: information, technology, function, principle, information technology, communication, security, revitalization, governance, state, management.

ВОЗМОЖНОСТИ ВНЕДРЕНИЯ СОВРЕМЕННЫХ ИНФОРМАЦИОННО- КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация. Статья посвящена вопросам совершенствования существующих функций и принципов внедрения современных информационно-коммуникационных технологий на предприятиях. Разработаны практические рекомендации и предложения по повышению эффективности информационно-коммуникационных технологий в корпорациях нашей страны и повышению эффективности их использования.

Ключевые слова: информация, технология, функция, принцип, информационная технология, коммуникация, безопасность, возрождение, управление, государство, менеджмент.

Кириш: Бугунги кунда замонавий ахборот технологияларсиз корхоналар фаолиятини ривожлантириш масаласини ҳеч ким тассаввурига ҳам сиғдира олмайди. Чунки ҳозирда ахборот коммуникацион технологиялари шиддат билан ривожланиб бормоқда, бу эса корхоналарга ўз фаолиятига янги инновацион техника ва технологияларни киритиш, юқори технологиялардан фойдаланиб рақобатбардошлигини ошириш вазифаларини юклайди.

Мамлакатимизда «Ақлли шаҳар» технологияларини жорий этиш концепцияси қабул қилиниб, унга кўра «ақлли транспорт», «ақлли таълим», «ақлли тиббиёт», «ақлли энергетика тизими», «ақлли қурилиш» «ақлли коммунал хўжалик», «ақлли уй», «ақлли ҳокимият», «ақлли маҳалла» каби лойиҳалар «Ақлли шаҳар» технологияларини жорий этишнинг асосий йўналишлари сифатида белгиланди. Шу билан биргаликда мамлакатимизнинг аксарият корхоналарида АКТни жорий этиш масалаларида бир қанча муаммолар сақланиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилидаги ижроси бўйича дастурда ҳам бунга катта аҳамият қаратилган.

Ўзбекистон Республикасида чуқур, кенг қўламли ислохотлар амалга оширилар экан, узлуксиз ҳуқуқий таълим тизимини шакллантиришга катта аҳамият берилмоқда.

Дарҳақиқат, келажаги буюк давлатни қуриш тафаккури, дунёқараши ўзгарган раҳбар ходимларимиз, мутахассисларимизнинг фаолиятига кўп жиҳатдан чамбарчас боғлиқдир.

Шу боис, янгича фикрлайдиган, ўз хизмат соҳаси ва фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини самарали қўллаш оладиган, юксак малакали, чуқур билимли раҳбар ходимларни тайёрлаш бугунги кунда давр талаби бўлиб қолди.

Замонавий ҳаётимизда ахборот технологиялари ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида фаолият юритувчи барча турдаги ташкилотларни бошқаришда қўлланилади. Ахборотни бошқариш технологияларининг энг устун ва аниқ афзалликлари тижорат ташкилотлар амалиётида пайдо бўла бошлади.

Муҳокама: Ахборот технологиялари ёрдамида корхоналарни бошқариш - тизимли дастурий таъминот ва компьютер ва телекоммуникация технологияларини ривожлантириш асосида бошқариш вазифаларини ҳал этиш учун маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, узатиш ва ахборотни муҳофаза қилиш, билим усуллари ва воситалари мажмуини ташкил этишдан иборатдир.

Бошқарувда ахборот технологиялари автоматлаштирилган тарзда тез-тез ишлатилади, яъни техник ва дастурий воситалардан фойдаланган ҳолда бошқариш технологияларини амалга оширишни кўзда тутди.

Умуман олганда ахборот технологиялари-бу маълумотларни бошқариш ва қайта ишлаш технологиясидир. Одатда бу атама остида компьютер технологиялари тушунилади.

Ахборот технологиялари соҳасида турли ахборотни электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) ва компьютер тармоқлари орқали йиғиш, сақлаш, ҳимоялаш, қайта ишлаш, узатиш каби амаллар устида ишлар олиб борилади.

Ахборот технологияси асосий техник воситалари сифатида ҳисоблаш-ташқилий техникадан ташқари алоқа воситалари-телефон, телетайп, телефакс ва бошқалар қўлланилади.

Ахборот технологиялари инсоният тараққиётининг турли босқичларида мавжуд бўлган бўлса-да, ҳозирги замон ахборотлашган жамиятининг ўзига хос хусусияти шундаки, цивилизация тарихида биринчи марта билимларга эришиш ва ишлаб чиқаришга сарфланадиган куч энергия, хомашё, материаллар ва моддий истеъмол буюмларига сарфланадиган харажатлардан устунлик қилмоқда, яъни ахборот технологиялари мавжуд янги технологиялар орасида етакчи ўринни эгалламоқда.

Ахборот технологияларининг индустрияси мажмуини компьютер, алоқа тизими, маълумотлар базаси, билимлар базаси ва у билан боғлиқ фаолият соҳалари ташкил қилади.

Бугунги кунда ахборот технологияларини шартли равишда сақловчи, рационаллаштирувчи ва яратувчи турларга ажратиш мумкин. Биринчи турдаги технологиялар меҳнатни, моддий ресурсларни ва вақтни тежайди. Рационаллаштирувчи ахборот технологияларига чипталар буюртма қилиш, меҳмонхона ҳисоб-китоблари тизимлари мисол бўла олади. Яратувчи (ижодий) ахборот технологиялари ахборотни ишлаб чиқарадиган, ундан фойдаланадиган ва инсоннинг таркибий қисм сифатида ўз ичига оладиган тизимлардан иборат.

Ахборот технологияларининг ҳозирги замон тараққиёти ҳамда ютуқлари фан ва инсон фаолиятининг барча соҳаларини ахборотлаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Жамиятни ахборотлаштириш деганда, ахборотдан иқтисодиётни ривожлантириш, мамлакат фан-техника тараққиётини, жамиятни демократлаштириш ва интеллектуаллаштириш жараёнларини жадаллаш-тиришни таъминлайдиган жамият бойлиги сифатида фойдаланиш тушунилади. Корхона бошқаруви учун замонавий ахборот технологияларининг асосий вазифалари - керакли маълумотларни қидириш, тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш, янги маълумотларни ишлаб чиқиш ва оптималлаштиришнинг турли хил муаммоларини ҳал этишдан иборатдир.

Вазифа нафақат вақтни сарфлайдиган, мунтазам такрорланадиган, маълумотларни қайта ишлаш операцияларини танлаш ва автоматлаштириш, балки самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган янги маълумотларни олиш учун уларни қайта ишлаш орқали ҳам амалга оширилади.

Сўнгги ўн йил ичида ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида корхоналарни бошқариш, бошқарувда сезиларли даражада имкониятларни яратмокда, чунки улар барча даражадаги менежерларга ва корхоналарнинг раҳбарларига энг яхши ва муқобил бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган иқтисодий ва ижтимоий ахборотни қайта ишлаш ва таҳлил қилишнинг сўнгги усуллари билан таъминланиб келинмокда. Бугунги кунда ахборот технологияларини бошқарувга татбиқ этиш харажатлари нафақат тўлаш, балки даромад олиш имконини ҳам бермокда. Маълумки, йирик ғарбий корпорациялар корпоратив ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш учун ҳар йили йиллик айланма маблағларининг 1,5 дан 4 фоизи миқдорида сарфлайди. Ахборот-коммуникация технологиялари бошқа турдаги технологияларнинг функционал таркибий қисмлари (масалан, ишлаб чиқариш, ташкилий, ижтимоий) ва уларнинг интеллектуал ядроси ролини ўйнайди.

Айни пайтда ахборот-коммуникация технологиялари иқтисодиёт ривожланишининг асосий қисмларидан бири ҳисобланади. Деярли барча фирмалар ва истеъмолчилар, истеъмолчиларни кўпроқ диверсификацияланган ҳамда мослаштирилган маҳсулотлар билан таъминлаш, маҳсулот сифатини ошириш, товар ва хизматларни сотиш каби компьютер ва интернет тармоғидан иқтисодий мақсадларда фойдаланиш ривожланиб бормокда. Барчамизга маълумки, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ахборот-коммуникация технологияларини кенгайтириш ва унинг иқтисодий ўсишга таъсири сўнгги йигирма йил ичида жадал суръатлар билан ўсиб келмокда. Бироқ, компьютер, мобил телефон ва Интернет фойдаланувчилари ҳақидаги мамлакат ичидаги маълумотлар мамлакат ва минтақалар бўйича ахборот-коммуникация технологияларининг турли тарқалиш кўрсаткичларини аке эттиради, охирги жаҳон иқтисодий инқирозига қарамасдан, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўрсаткичлари ортиб бораётган тенденцияни намоиш қилади.

Хулоса: Бугунги кунда аксарият ташкилотлар турли бизнес муаммоларни ҳал қилишда бир қатор хавфсиз тизимлардан фойдаланишмокда. Шунга қарамай, ушбу тизимлар ўртасида консолидация, маълумотларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва алмашилиш жараёни қўлда амалга оширилади, бу эса ўз ўрнида меҳнат харажатларини кўпайишига ва инсон омили таъсирининг кучайишига олиб келади.

Биз таклиф қилаётган интеграцион базанинг асосий платформаси ушбу муаммоларни бартараф қилишда ёрдам бериши мумкин. Мутахассисларимиз керакли билим ва кўникмаларга, булутли технологияларнинг тенденциялари бўйича етарлича маълумотга, интеграцион базанинг асосий платформасидан фойдаланган ҳолда ташкилотнинг ERP-тизими инфратузилмасини яратиш ва шу каби ечимларни амалга оширишда профессионал тажрибага эга.

REFERENCES

1. Najmutdinova, D. K., & Kudratova, N. A. (2015). The application of insulin analogues in the treatment of type 2 diabetes mellitus: the focus on the cardio protection. Bulletin of the Karaganda University "Biology medicine geography Series", 78(2), 70-77.
2. Шагазатова, Б. Х., Мирхайдарова, Ф. С., Артикова, Д. М., Ахмедова, Ф. Ш., & Кудратова, Н. А. (2019). Особенности течения сахарного диабета у вич-инфицированных больных.
3. Шагазатова, Б., & Ахмедова, Ф. ПОКАЗАТЕЛИ УРОВНЕЙ ТРАНСАМИНАЗ У ПАЦИЕНТОВ С САХАРНЫМ ДИАБЕТОМ 2 ТИПА ПРИ ХРОНИЧЕСКОМ ГЕПАТИТЕ С НА ФОНЕ ГИПОГЛИКЕМИЧЕСКОЙ ТЕРАПИИ. InterConf.–2021
4. Shagazatova, B. X., & Qudratova, N. A. (2023). Tana vaznini tuzatishning operativ va operativ bo'lmagan usullari samaradorligini qiyosiy baholash.
5. Teshayev, O. R., Ruziev, U. S., Shagazatova, B. K., Kudratova, N. A., & Ataliev, A. E. (2020). Efficacy of Gastric Bypass in the Treatment of Obesity-Associated Carbohydrate Metabolism Disorders. Indian Journal of Forensic Medicine & Toxicology, 14(4), 7995-8003.
6. Mirkhaydarova, F. S., & Axmedova, F. S. (2023). FEATURES OF DIABETES MELLITUS IN HIV-INFECTED PATIENTS. American Journal of Pediatric Medicine and Health Sciences, 1(08), 271-275.
7. Shagazatova, B. K., Axmedova, F. S., & Tuxtamishev, M. K. (2022). PATHOGENETIC MECHANISM OF DEVELOPMENT OF INSULIN RESISTANCE IN CHRONIC VIRAL HEPATITIS C. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR), 8(2), 137-141.